



8/6 -23-сон

2023 йил 26 июнь

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил II чорақдаги фаолияти тўғрисида қисқача ахборот

1. 2023 йилнинг 2-чорагида Жамоатчилик кенгаши 1 та мажлис ўтказди, унда:

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг ягона солиқ ҳисобварағини жорий этиш тўғрисидаги ташаббусини муҳокама қилди;

– “Ҳуқуқий эксперимент доирасида солиқ назорати тадбирларини ташкил этишда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ узилишини аниқлаш ва қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасини муҳокама қилди.

2. Жамоатчилик кенгаши ягона солиқ ҳисобварағининг қуйидагиларнинг самарали механизми сифатида қўлланишини маъқуллади:

– бизнеснинг солиқларни тўлашга харажатларини камайтириш,

– солиқ тўловлари келиб тушиши устидан назорат тизимини соддалаштириш,

– тўлов интизомини мустаҳкамлаш,

ягона солиқ ҳисобварағини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқди ва тасдиқлади (таклифлар илова қилинади).

3. Жамоатчилик кенгаши солиқ узилиши кўрсаткичидан солиқ маъмуриятчилигининг ички дастаги сифатида қуйидаги мақсадларда фойдаланишни тавсия қилди:

– солиқ назорати амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектларни танлаш самарадорлигини ошириш;

– солиқ назоратининг натижадорлигини ошириш;

– солиқ текширувларининг умумий сонини қисқартириш,

“Хуқуқий эксперимент доирасида солиқ назорати тадбирларини ташкил этишда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ узилишини аниқлаш ва қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасига таклифларни ишлаб чиқди ва тасдиқлади (таклифлар илова қилинади).

Кенгаш раиси

A handwritten signature in blue ink, appearing to read 'M. Perper', with a long, sweeping stroke extending upwards and to the right.

М. Перпер